

# Qishloq hayoti

2013 йил

Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 5-ФЕВРАЛ, СЕШАНБА, 15 (8096)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган  
Баҳоли келишган нархда.



**Қарши шаҳридаги "Дунё-М" очик акциядорлик жамияти жамоаси 2012 йилнинг ўсиш суръатларини таҳлил этишиб, Обод турмуш йили вазифаларини белгилаб олишди. Натижалар шундан далолат бераптики, ўтган йили 83,4 миллиард сўмлик яқин маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Фаолиятда тежамкорлик асосида иш тутиш бош мезон бўлди.**



**Жиззах вилоятининг Фориш, Янгиобод туманлари ҳамда Сирдарё вилоятининг Сардоба, Ховос туманларининг бир қатор олия қишлоқлари аҳолиси иштирокида "Агар аёл тадбиркор бўлса..." лойиҳаси доирасида семинар ўтказилди. Мазкур тадбир Обод турмуш йили муносабати билан "Микрокредитбанк" ОАТБ, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилди.**



**Наманган шаҳридаги "Паҳлавон" спорт мажмуасида халқаро "Дэвис Кубок"нинг (ушбу мусобақа амалда теннис жамоалар ўртасидаги норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланади) Осиё ва Океания минтақаси биринчи гуруҳ доирасидаги баҳслари бўлиб ўтди. Унда корта Ўзбекистон ҳамда Хитой теннисчилари чиқишди.**

САҲИФАЛДАРДА САҲИФАЛДАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Нукус шаҳри Қизилқум маҳалласида "Шухрат" савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди. Маҳалла аҳли бу ерда дорихона, чойхона, новвойхона, қандолатчилик, кийим-кечак цехлари, атторлик, озик-овқат, хўжалик моллари ва гўшт дўконлари хизматидан баҳраманд бўлмоқда.

► Наманганда Фарғона водийси ёшларининг минтақавий конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирда ёш авлодни "оммавий маданият", диний ақидапарастлик, ОИТС, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва қашандлик каби инсон ва жамият ҳаёти учун зарарли иллатлардан асраш каби масалалар атрофида муҳокама қилинди.

► Камолитдин Бехзод номидаги Бухоро санъат музейида Обод турмуш йилига бағишланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Ўзбекистон Бадий академияси ва Бадий кўргазмалар дирекцияси томонидан ташкил этилган мазкур кўргазмада турли авлодларга мансуб мўйқалам соҳибларининг инсон ва унинг ички дунёси ҳамда юртимиз бетакор манзаралари ифодаланган асарлари намойиш этилмоқда. Тадбир доирасида тасвирий санъат сирларини эгаллаётган ёш истеъдодлар учун ижодий лаборатория вазифасини ўтайдиган маҳорат дарслари, Ўзбекистон Бадий академияси аъзолари бўлган таниқли rassomлар билан учрашувлар бўлиб ўтди.

► Қўқон давлат педагогика институтининг қошидаги 2-академик лицейда газал мулкнинг султони Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишланган адабий-бадий кеча бўлиб ўтди. Унда Алишер Навоий ижодий мероси бугунги ёш авлодларни юксак маънавий ва теран тафаккурли инсонлар этиб тарбиялашда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

## Фарғона Вилояти



## АМАЛИЁТДАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

МАРФИЛОН ШАҲРИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИДА САККИЗ ЮЗДАН ОШИҚ ҲАМДА ТИКУВЧИЛИК, ТИКУВ-ТРИКОТАЖ, КОМПЬЮТЕР ЖИҲОЗЛАРИНИ СОЗЛАШ, ТИКУВ МАШИНАЛАРИ ЧИЛАНГАР-МЕХАНИКЛИГИ КАБИ ЙўНАЛИШЛАРДА ТАҲСИЛ ОЛМОҚДА.

Мазкур коллежда ўқувчилар тегишли касб-хунарга оид билим ва кўникмаларни пухта эгаллаш учун барча шартнош, кенг имкониятлар мавжуд. Зарур техник воситалар, тикув-тўқув машиналари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган ўқув-масгулот хоналари, кулбона, ахборот-ресурс маркази ёшлар ихтиёрида.

— Шаҳримиздаги кўлаб енгил саноат корхоналари билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини амалиётга йўналтирмоқдамиз. Бу ёшларимизга эгалланган назарий билиминини ишлаб чиқариш жараёнида амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаш имконини бераётган, — дейди коллеж директори Муҳаммадjon Мирзаев. —

"Оршах текстил", "Сингапур Самарқанд", "Барс" каби кўшма корхоналар билан тузилган уч томонлама шартномаларга асосан кўлаб битирувчи-ларимизнинг келгусидаги иш жойи тайин.

**СУРАТДА:** коллеж ўқитувчиси Холита Раҳмонова ўқувчи Иноятжон Мирзаева билан.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

## Навоий Вилояти

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН» БЕЛГИСИ ОСТИДА

## «ДОВУД КАРМАНА»НИНГ ҚАМРОВИ КЕНГ

Президентимизнинг "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чўқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар турининг тобора кўпайишида омил бўлаётган.

Навоий вилоятида ҳам маҳаллийлаштириш дастурини ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, ўтган йилда ушбу дастур асосида элликка яқин лойиҳа амалга оширилди. Хусусан, ацетон, бентонит кукуни, оловга чидамли гишт, акрил эмульсия, калий нитрати каби кўлаб маҳсулот ва бирикмалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, жами қиймати 364, 2 миллиард сўмга тенг бўлган маҳсулотлар тайёрланди.

Кармана туманидаги "Довуд Кармана" хусусий корхонаси савдо шохобчалари учун совиткичи витриналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 2009 йилда фаолиятини бошлаган корхона ўз маҳсулотларини Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига ҳам сотувга чиқармоқда. Айни пайтда корхонада 10 нафар киши меҳнат қилмоқда. Ички бозордаги талаблардан келиб чиқиб, нисбатан арзон нархларда ишлаб чи-

қарилаётган ускуналар дўкон ва расаларда халқ истеъмоли молларини сифатли сақлашда кўл келмоқда. Шу боис, 2012 йилда 97 миллион сўмлик тайёр витриналар харидорини топди.

Корхонада ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш лойиҳалари устида доимий равишда изланишлар олиб бориляпти. Шундай изланишлар асосида жорий йилда паррандачилик саноатида қўлланаладиган махсус камералар, автоматлаштирилган бошқарув дастгоҳлари, тухум ва парнондан ишлаб чиқариш ва амалга ошириш махсус совиткичлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастури доирасида вилоятнинг қатор туманларида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш

борасида режалар тузилмоқда. Жумладан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан бир марталик шприц, кигиз сингари маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. На-тижада 30 га яқин янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг бандлигини таъминлашга хисса қўшилди.

Булардан ташқари, корхонада кенг қўламли лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида инвестиция жалб қилиниши кўзда тутилмоқда. Хусусан, қалава ип, тайёр мато ва газлама, трикотаж маҳсулотлари, жунни бўяш, қайта ишлаш ҳамда экспортбоп ипақ толаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши режалаштирилляпти.

**Абдурашул САТТОВОВ,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2012 йил якунлари ва 2013 йилда иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 18 январда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги "Бош мақсадимиз — кенг қўламли ишловлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш" маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг 2012 йил якунлари ҳамда 2013 йилда Оролбўйи иқтисодий зонадаги барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси М.Ерниязов бошқарди.

Йиғилишда жорий йил 18 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ялли худудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 12,7 фоизга, саноат маҳсулотлари 8,7 халқ истеъмоли товарлари 10,6, қурилиш ишлари ҳажми 19,5, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 13,2, савдо ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,7 фоизга ўсди.

Иқтисодий ривожлантиришда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ўтган йили Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши бошланди.

Бу йирк корхона ишга туширилган, йилга 400 минг тонна полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 5 минг янги иш ўрни яратилди.

Ўтган йили ишлаб чиқариши ривожлантириш, корхоналарни модернизация қилиш ва технология қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, чанглоттич ишлаб чиқарадиган "Нукус Самсунг", терини қайта ишлаш "Орент технолоджи", пилани қайта ишлаш "Азия силк" корхоналари ишга туширилди. Олти йирк енгил саноат корхоналарида 65,5 миллион АҚШ долларлик модернизация ишлари амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикасида 2012 йили 1 триллион 145 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Экспортга йўналтирилган корхоналарни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳсулотларни тажизага қўрилаётган чора-тадбирлар самарасида Қорақалпоғистонда экспорт ҳажми 11,8 миллион долларга етди. Бу борада белгиланган режа 118,8 фоизга бажарилди.

Бандлик дастурига асосан 48 минг 722 янги иш ўрни яратилди.

Ўтган Мустақкам оила йилида ёш оилаларга эътибор янада кучайди. Бу борада қўшимча худудий дастурлар ишлаб чиқилиб, улар ижросини таъминлаш учун 237 миллиард сўм ва 1 миллион 473 минг АҚШ долларлик миқдорда маблағ сарфланди.

Ўсулларда намунавий лойиҳалар асосида турар-жойлар қурилиши жадал олиб бориляпти. Ўтган йили 400 янги замонавий уй, шунингдек, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, зарур ижтимоий

## УСТЮРТ ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИНИ ҚУРИШ ЛОЙИҲАСИГА ЮКСАК ХАЛҚАРО МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Илгари хабар берилганидек, «Reuter Thompson» жаҳондаги етакчи ахборот агентлигининг нуфузли халқаро нашри — «Project Finance International» Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини лойиҳавий молиялаш битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидagi 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этганди.

2013 йил 30 январь куни Лондонда «Project Finance International» мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда юксак мукофот «Ўзбекнефтегаз» МХК ҳамда лойиҳани амалга ошириш учун ташкил қилинган Жанубий Корейнинг «Kogaz», «Lotte Petrochemicals» компаниялари ва «Uz-Kor Chemicals» қўшма корхонаси консорциуми вакилларига топширилди.

монхонасида бўлиб ўтган тантанали тақдирлаш маросимида бутун дунёдан энг муҳим инвестиция лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этадиган энг йирк халқаро экспорт-импорт агентликлари, инвестицион ва тижорат банклари, консалтинг компаниялари ва юридик фирмаларнинг 400 нафардан зиёд вакиллари қатнашди.

Тақдирлаш маросимини очар экан, «Project Finance International» PFI нашрининг бош муҳаррири

лоийҳавий молиялашнинг бой тарихи мобайнида Ўзбекистоннинг лойиҳаси илк бор тақдирланаётганини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишини лойиҳавий молиялаш нафақат Ўзбекистон, балки бутун МДХ газ-кимё сектори учун бу турдаги илк битим эканини қайд этди. Айнан ушбу факт лойиҳанинг инновационлиги билан бирга, уни йилнинг энг яхши битими, деб топш учун асос бўлди.

Тадбир ташкилотчилари, сўнгги йилларда кузатилаётган жаҳон миқдори бозорларидаги беқарорлик ва юқори даражали ноаниқликка қарамай, Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳаси учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан суверен қаралтирилган 2,54 миллиард доллар миқдоридagi кредит маблағларининг жалб эти-

лиши алоҳида эътирофга сазовор эканлигини таъкидлади. Ушбу битимнинг бундай юксак муваффақияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган ислохотлар «Ўзбек модели»нинг юқори самарадорлигидан яна бир далолатдир.

Ўзбекистонда ислохотларнинг самарали амалга оширилиши натижасида сиёсий, ижтимоий ва макроиқтисодий барқарорлик тобора мустаҳкамланмоқда, хоржий сармоядорлар ва кредиторларнинг Ўзбекистоннинг лойиҳалари халқаро миқёсда улкан эътибор қозонаётганини таъкидлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган хар томонлама қўллаб-қувватланиши баробарида, халқаро сармоядорлар ва кредиторлар учун қулай шарт-шароит яратиш, мамлақати-

ЎЗА

Бухоро вилояти

2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

# ИНВЕСТИЦИЯЛАР — АҲОЛИ ТУРМУШНИ ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ

**Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, ҳудудларда янгидан-янги инфратузилма объектларини қуриш ва ишга тушириш борасида кенг қамровли сатъ-ҳаракатлар самараси ўлароқ, жойлардаги мавжуд иқтисодий-ижтимоий муаммолар бирин-кетин ўз ечимини топмоқда.**

Бу каби ижобий ҳолатни Бухоро туманида амалга оширилаётган ишларда ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, ўтган йил бошида туман маркази Галаосиё шаҳрини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ишлар бошланиб кетди. Қисқа вақт ичида 30,1 километр узунликдаги янги сув қувурлари ётқизилди. Туман "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонасига қарашли сув иншооти қайта таъмирланди. Ушбу бунёдкорлик ишлари Осиё тараққиёт банки томонидан қиймати 3 миллион 331 минг АҚШ долларига тенг кредит маблағи ҳисобидан амалга оширилди. Бугун шаҳарчадаги минглаб аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлмоқда. Шунингдек, туман ҳудудидаги 6 та аҳоли яшаш масканини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджет ҳисобидан 251 миллион сўмдан ортқ иш бажарилди.

2012 йил давомида вилоятда аҳолининг ичимлик сувиغا бўлган талабини янада тўлароқ қондириш мақсадида давлат бюджетидан 2,3 миллиард сўм, маҳаллий бюджет ҳисобидан эса 4,2 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиб, 71,8 километр узунликдаги сув қувурларини ётқизиш ишлари бажарилди, — дейди вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи ўринбосари Шохимардон Остонов. — Жорий йилда бу борада бажариладиган ишлар учун давлат ва маҳаллий бюджетдан 9,3 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Айниқса, бу каби эзгу ишларга чет эл инвестицияларининг жалб этилаётгани жуда кўл келяпти. Масалан, 2002-2006 йилларда Испания давлати томонидан ажратилган 16,2 миллион евро маблағи ҳисобидан, Бухоро, Когон шаҳарлари ва Олот туманларини ичимлик суви билан таъминловчи сув иншоотларига янги насослар ўрнатилди. 2003-2010 йилларда эса Жаҳон банки иштирокида Бухоро шаҳридаги 114 километр узунликдаги сув тармоқлари ва "Шохруд" сув иншооти реконструкция қилинди.

Дарҳақиқат, вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг кўлами йилдан-йилга ошиб бораётган. Айниқса, Президентимизнинг 2010 йил 16 апрелдаги "Осиё тараққиёт банки иштирокида "Навоий ва Бухоро вилоятлари туман марказларини улаган ҳолда Дамхўжа минтақалароғи водопроводини модернизациялаш. Термиз шаҳри канализация тизимини реконструкция қилиш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим аҳамият касб этапти. Вилоятда йилда бу борада бажариладиган ишлар учун давлат ва маҳаллий бюджетдан 9,3 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Айниқса, бу каби эзгу ишларга чет эл инвестицияларининг жалб этилаётгани жуда кўл келяпти. Масалан, 2002-2006 йилларда Испания давлати томонидан ажратилган 16,2 миллион евро маблағи ҳисобидан, Бухоро, Когон шаҳарлари ва Олот туманларини ичимлик суви билан таъминловчи сув иншоотларига янги насослар ўрнатилди. 2003-2010 йилларда эса Жаҳон банки иштирокида Бухоро шаҳридаги 114 километр узунликдаги сув тармоқлари ва "Шохруд" сув иншооти реконструкция қилинди.

Қоракўл туманларида ҳам ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасидаги ишлар режалаштирилган. — Маҳалламиз ҳудудига тоза ичимлик сувининг қилиб келиши аҳолимизнинг жуда кўп муаммоларини ҳал қилди, — дейди Вобкент туманидаги Чорбоғкент маҳалла фуқаролар йиғини раиси Элёр Рўзиёев. — Бу каби қулайликнинг, аниқроғи, зилол сувнинг қадрига етишиши керак. Хозирда ҳудудимиздаги 715 та хонадон ва ижтимоий объектларнинг ҳар бирига сув ўлچасига асбоблари ўрнатилган бўлиб, аҳоли бу борадаги тўловларни ўз вақтида тўлаб боришга ҳаракат қилипти. Ҳа, вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишлар нафақат фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилаш, мушкулни осон қилиш, балки уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Тиббиёт соҳаси мутахассисларининг таъкидлашларича, кейинги йилларда аҳоли ўртасида бир қатор касалликлар, хусусан, ошқозон-ичак касалликлари сезиларли даражада камайган. Бунда истеъмол қилинаётган тоза ичимлик сувининг аҳамияти бекиёсдир.

**Ҳамроз АЛИ, Иброҳим ТОШЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, тармоқда иш самардорлигини ошириш кўп жиҳатдан ерларнинг унумдорлигини муттасил яхшилаб боришга боғлиқ. Бундай натижага эришиш эса тармоқнинг маъданли ўғитлар билан етарли ва узлуқсиз таъминлаб турилишини тақозо этади.**

Қашқадарё вилояти

## «ДУНЁ-М» САЛОҲИЯТИНИ НАМОЁН ЭТМОҚДА

**Қарши шаҳридаги «Дунё-М» очик акциядорлик жамияти жамоаси 2012 йилнинг ўсиш суръатларини таҳлил этишиб, Обод турмуш йили вазифаларини белгилаб олишди. Натижадан шундан далолат бераптики, ўтган йили 83,4 миллиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Фаолиятда тежамкорлик асосида иш тутиш бош мезон бўлди. 105 миллион сўмлик электр энергияси, 205 миллион сўмлик материал ва зарур ашёлар иқтисод қилинди.**



— Ишлаб чиқаришга янги технологияни жорий этиш доимий эътиборимизда, — дейди корхона бош муҳандиси Ибодулла Нуриев. — Ўтган йили Нишон туманидаги дон қабул қилиш пунктида уруғлик тайёрлаш цехи ишга тушди. Бир миллиард 400 миллион сўм маблағ эвазига Германиянинг замонавий "Петкус" ускуналари ўрнатилди. Бу эса кунга 250 тонна сифатли уруғлик

тайёрлаш имконини беради. Натижада 30 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, Қашби туманидаги Шакаржўй мавсумий дон қабул қилиш пунктида беш минг тонна уруғлик дон қабул қилинган ёпиқ сифим барпо этилди. — Корхонамиз асосан Миришкор, Қашби, Нишон, Шахрисабз, қисман Косон тумани фермер хўжалиқлари етиштирган донни қабул қилиб олади, — дейди акциядорлик жамияти раиси Ёқуб Акбаров. — Ўтган йили улардан 162 минг тоннадан зиёд дон қабул қилиб олдик. Бу борада Нишон, Қашби туманидаги Шакаржўй, Миришкор туманидаги Махтумқули дон қабул қилиш пунктлари ва Шахрисабздаги филиал муҳандис-техник ходимлари ва ишчи-хизматчилари алоҳида ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишди. Жамият жамоаси 2013 йилда ўтган йилги ютуқларни янада мустаҳкамлаш, янги техника ва технологияга кенг йўл беришга қатъий ақд қилишган. — Корхонамиз тараққиётини, энг аввало, модернизация ва реконструкция ишлари белгилайди, — дейди бош иқтисодчи Исмомил Ҳасанов. — Ана шундан келиб чиққан ҳолда Шахрисабздаги филиалимизда уруғлик дон ишлаб чиқариш цехи реконструкция қилиш режалаштирилган. Замонавий технология ўрнатилган, уруғлик дон тайёрлаш бир кеча-кундузда 25-30 тоннага кўпаяди. Нишон туманидаги уруғлик цехи қошида эса айвон бунёд этмоқчимиз.

**Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

## КИМЁГАРЛАР ДЕҲҚОНГА КАМАРБАСТА

Ана шундай муҳим вазифани беками-кўст адо этиш "Ўзкимёсанот" давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари, барча мутахассислари зиммасига катта масъулият юклайди. Буни чуқур ҳис этган кимёгарлар белгиланган топшириқларни зиёдаси билан бажаришга астойдил интиломқдалар. Тармоқ корхоналарида 2012 йили 1.221,4 минг тонна, шу жумладан, 943,6 минг тонна азотли, 152,3 минг тонна фосфорли, 125,3 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарилди. Кимёвий маҳсулотни экспорт қилиш ҳажми сезиларли даражада ошиб, бу борадаги ўсиш суръати 2011 йилга нисбатан 110 фоизни ташкил этди. Юқорида келтирилган рақамлар яқинда "Ўзкимёсанот" компаниясида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида қайд этилди.

Анқижон вилояти

## КИМНИНГ ЕРИ УНУМДОР?

**Ҳозирда кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Усмонали ота Қурбонов маҳаллий ўғит жамғаришда, ҳайдовдан олдин гектарга 45-50 тоннагача гўнг солишда, вегетация даврида эса толқонсимон ҳолатда «Су» мосламаси ёрдамида экинларга ишлов бериш борасида ўзига хос мактаб яратган деҳқонлардан бири.**

— Усмонали отанинг бу тажрибалари, айниқса, ерни ўн икки ой давомида маҳаллий ўғит билан тўйинтиришда катта ҳикмат бор, — дейди қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Маммураҳмон Маннопова. — Заминимиз тупроғи шу қадар фалокти, гектарига 50 тоннагача маҳаллий ўғит берсангиз, "ҳазим" қилиб юборади. Мазкур тажрибадан ўрнак олган фермерларимиз тупроқ унумдорлигини оширишда ушбу усулни амалиётда кенг қўллашапти. Ана шундай фермерлардан бири Олтинкўл туманидаги «Бахт имкон ривож» фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Исмоиловдир. У раҳбарлик қилаётган хўжалик кўп тармоқли. Жумладан, чорвачилик ҳам яхши ривожланган. Фермер Маммураҳмон ота билан ҳамкорликда гўнгдан самарали фойдаланиш борасида талайгина тажрибаларга эга бўлди. Жумладан, гўза парварши қилинадиган майдонларга ҳайдов олдидан гектарига 40 тоннадан гўнг соляпти. Фалла парваршида эса "шар-



ди олиб келиб, оқизяпти. 2012 йил якуни бўйича Тоҳиржон Режапов галла ва пахта ҳосилдорлигида илгорлар сафидан ўрин олди. Айниқса, пахта ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 41 центнерга етди. Энг муҳими, етиштирилган ҳосилнинг барчаси юрти раҳбарлари қабул қилинди. Бўз туманидаги «Робияжон Каримова» фермер хўжалиги раҳбари Одижон Каримов тибиб-егиштирилган ҳосилнинг барчаси юрти раҳбарлари қабул қилинди. У чорвадорлик билан мунтазам ҳамкорлик қилиб, галла мавсуми давомида тойланган сомонларни уларга етказиб беради ва юк машинасига гўнг ортиб қайтади. Бу ҳам тупроқ унумдорлигини оширишда ўзига хос тажриба.

Утган кузда Кўргонтепа туманидаги «Савай» қишлоғига борганимизда Дилшодбек Абдураимов хонадонидан бўлди. Чорроқ ҳовлида 20 боддан зиёд «Швиц» зотли маҳсулдор қорамол парварши қилинаётганлигини кўриб, ҳавасимиз келди. Айни вақтда шунча қорамол қандай озуқа ҳисобига парварши қилинаётгани билан қизиқдик. — Ажабланиш жойи йўқ, — деб жавоб берди Дилшодбек. — Емши етарли. Фермерлар дала-сига гўнг етказиб берамиз. Фермерлар эса бизга сомон беришда, тақририй тарзда маккажўхори экишга ер ажратишди. Бор гап шу. Биз ҳам, фермер ҳам ҳамкорликдан тенг манфаат кўрапмиз. Бир неча йиллардан буён «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖнинг вилоят ҳудудий бирлашмаси жамоаси фермерларга чиринди — гумус етказиб беришни қанда қилишмайди. Бунинг учун Кулла ва Поитўғда чиринди тайёрловчи цехлар ташкил этилган. Унинг таркибиде азот, калий, фосфор қаторида ўнлаб микро ва макро элементлар мавжудки, экинлар ҳосилдорлигида аҳамияти катта. Ўзлаб фермерлар чириндидан фойдаланиш эвазига галла ва пахта ҳосилдорлигини оширишмоқда. Олтинкўл туманидаги «Олтинкўл нури колдузи», Булоқбоши туманидаги «Барака ҳосил самараси» фермер хўжалиқларида чириндидан самарали фойдаланиш борасида илгор тажриба тўпланган.

Ушбу фермер хўжалиқларида қишнинг сўнги кунларида галларозларнинг ҳар гектарига 2-3 тоннадан чиринди сепилади. Гўзани суғоришда эса чиринди сув билан оқизилади. Ҳар икки хўжалиқда галла ҳам, пахта ҳам тош босади. Айни кунларда вилоятда чиринди тайёрлаш ва фермерларнинг дала-ларига етказиб бериш мавсуми давом этмоқда. Хисоб-китобларга қараганда баҳорнинг ўрталарида гектар 100 минг тоннадан зиёд чиринди тайёрланиб, жойларга етказиб берилди. — Агротехнологияда «қайтар» қонуни бор, — дейди Маммураҳмон ота Маннопова. — Яъни биз ердан, тупроқдан кўпроқ ҳосил олишга интиляпмиз. Шу мақсадда ерга тиним бермаймиз. Кузда гўза қатор ораларига галла, ёзда донни йиғиштириб олиб, ўрнига сабзавот ҳамда озуқа экинлари экяпмиз. Олаётган ҳосилнимизни жамласак, бир неча тоннани ташкил этади. Демакки, биз ўша тонналарнинг ўрнини маҳаллий ўғит, чиринди, дуқакли экинлар экиш орқали қоплаб бормоғимиз шарт. Бугунги давр маҳаллий ўғит жамғариш, чиринди тайёрлашни тақозо этаётган. Бунинг учун фермерларимиз ҳам яхши билишди. Юртимиз тупроғи бебаҳо. Унинг унумдорлигини янада оширсак, фаровонлигимиз ҳам юксалади.

**Кобилжон АСКАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**



# ҚИШКИ ПАЙВАНДЛАШ ЙЎЛЛАРИ, УСУЛЛАРИ

**Мевали дарахтларни қишда ҳам пайвандлоса бўлади, деб эшитганман. У қайдай амалга оширилади? Бу юлхисни қишнинг қайси ойида ўтказган маъқул? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Қувончбек ХОЛБОВЕВ**

Богдод тумани

– Асосан январь-февраль ойларида амалга ошириладиган қишки пайвандлаш бирмунча мураккаб тадбир ҳисобланади. Шу ўринда унутмаслик керакки, қишки пайвандлаш билан баҳорги пайвандлаш бир-биридан фарқ қилади. Ҳуримқанда қишқи пайвандлаш унчаллик оммалашмаган бўлса-да, ўтган йили институтизмнинг Жиззах филиалида қишқи пайвандлаш ишлари амалга оширилди. Натига ёмон бўлмади.

Қишқи пайвандлаш учун пайвандтаг асосан, икки йўналишда: вегетатив ва уруғ-данак усулида олинади. Вегетатив усулда пайвандтаг олиш учун ўсимлик шохлари маълум қисмигача тупроқ билан қўмилади. Шохларнинг тупроқ тағимдаги қисми эса тез орада томир отади. Улар кузда, қаттиқ совуқ бошланишидан олдин кесиб олингач, ҳарорати 16-18 даража бўлган иссиқ хоналарга ўтказилади. Орадан 8-10 кун ўтгач, қишқи уйкуга кетган ниҳол жонлана бошлайди. Пайвандуст ҳам қаттиқ совуқлар тушушидан олдин касалланмаган, серхосил ва серкуртак шохлардан кесиб олинади.

Пайвандтаг ва пайвандуст новдаларининг ўлчами бир хил бўлиши жуда муҳим. Ана шунда улар

тезда бир-бирига қўшилиб-бирикиб кетади.

Ўзбекистон шароитида мевали дарахтларнинг ҳаммасини пайвандлаш мумкин. Уларнинг пайвандтаглари икки усулда олинади. Биринчиси, мевали дарахт уруғи ёки данадан ундирилган ниҳоллардан. Иккинчиси, юқорида айтганимиздек, вегетатив (ўстирилган ниҳолдан) усулда. Олдин ўсимликнинг уруғи ёки данаги экилади. Униб чиққан, энг яхши етилганлари кузда кавлаб олинади-да, томирдаги тупроқ ювилиб, ниҳоллар стерилланган нам ёғоч қириндиси солинган қутиларга жойланади.

Стерилланган ёғоч қириндиси тайёрлашнинг йўли осон. Бунинг учун ёғоч қириндиси қайнатиб олинади. У жуда майда бўлиши зарур. Ранда ёки шунга ўхшаш асбоблардан ҳосил бўлган йирик қириндилар ярамайди.

Пайвандлашда иложи борича махсус асбоблардан фойдаланган маъқул. Ҳозирда бундай асбоблар жуда кўп. Махсус пайвандлаш ускунаси бирийла 6-7 пайвандтаг ёки пайвандустни қирққич имконини беради. Яна оддий усулда битталаб, тоққайчида кесиб мумкин. Аммо асбоблар жуда ўткир бўлиши лозим. Кесилмаётган нов-

дадаги хужайралар эзилмаслиги ва бир уринишда кесилиши керак. Шунингдек, махсус пайвандпичоқлар ҳам маъқул.

Пайвандтаг ва пайвандустни бир-бирига бириктиргандан сўнг, ўша жойи полиэтилен плёнка билан қаттиқ қилиб боғланади. Сўнг яна 8-10 кунга ҳарорати 16-18 даража бўлган хоналарга, стерилланган қириндиги қутиларга жойланади. Сўнгра нам ва салқин бўлган хоналарда сақланади. Ана шу муддат ичида ҳалиги туташтирилган жойда қайнама (калюс) ҳосил бўлади. Бу пайванднинг муваффақиятли чиққанидан далолат. Агар об-ҳаво мувофиқ бўлса, маълум муддат ўтгандан сўнг қўчатларни экиш мумкин.

Агар пайванд тутиб кетиб, далага ўтказишга тайёр бўлсаю, бироқ ташқарида совуқ ҳаво давом этаётган бўлса, у ҳолда қўчатлар салқин хоналарга қўйилади. Бу уларнинг яна қишқи уйкуга кетишига ёрдам беради.

Қўчатларни экаётганда ҳали жуда яхши битишмаган, тугиб кетмаган жойлари очилиб ёки синиб кетиши мумкин. Экаётганда ёки бир жойдан иккинчи жойга кўчи-



**ПАЙВАНДТАГ** – ниҳолнинг пастки, томирли қисми.  
**ПАЙВАНДУСТ** – ниҳолнинг устки шохли, куртакли қисми.

### Қишқи пайванд вақтида қуйдагиларга қатъий риоя этиш керак:

- илдиларининг бўйи камида 30-40 сантиметр, йўғонлиги камида 1-1,5 сантиметр келадиган бакувват қўчатларни танлаб олиш зарур. Чунки сув минерал озукларининг мейёрида алмашииб туриши учун қишқи пайвандларнинг илдилари тез тутиб кетиши керак;
- қаламчалар эскирмаган ва йўғон бўлиши лозим, совуқ урган қаламчаларни пайвандлаш ярамайди;
- пайвандлашга тайёрланган қаламчада 3-4 та куртак бўлиши керак.

Қишда пайвандланган қўчатлар кузда гўнғ солиб шудгорланган далага ўтказилса, яхши ўсади. Бу қўчатлар яхшилаб парвариш қилинганида кузда боққа ўтқазиб учун ярайдиган бир йиллик стандарт қўчат бўлиб етилиши мумкин. Қишқи пайвандланган қўчатлар биринчи йили яхши ўсмаса, қўчат-зорда яна бир йил парваришланади. Иккинчи йилнинг кузига бориб улардан яхши шаклланган икки йиллик қўчатлар ҳосил бўлади.

**Абдулла ОРИФОВ,**  
**Р.Шредер номидagi**  
**Ўзбекистон богдорчилик,**  
**узумчилик ва виночилик**  
**илмий текшириш институти**  
**олими, қишлоқ хўжалик**  
**фанлари номзоди.**




## СПОРТ

▼ ТЕННИС

### «Дэвис Кубоги»: «ПАҲЛАВОН»ДАГИ КУРАШНИ ЕТАКЧИЛАРИМИЗ ҲАЛ ЭТДИ

**Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт мажмуасида халқаро «Дэвис Кубоги»нинг (ушбу мусобақа амалда теннис бўйича жамоалар ўртасидаги норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланади) Осиё ва Океания минтақаси биринчи гуруҳ доирасидаги баҳслари бўлиб ўтди. Унда қортга Ўзбекистон ҳамда Хитой теннисчилари чиқишди.**

Жамоавий баҳсларда дастлабки баҳс катта аҳамиятга эга. Шу сабаб, мусобақани тажрибали теннисчимиз Денис Истомин хитойлик теннисчи Ди Вуга қарши баҳс билан бошлади. Кескин ва мурасиз кечган ушбу учрашув беш сетдан иборат бўлиб, дастлабки икки сетда меҳмон теннисчининг қўли баланд келди. Аммо кейинги сетларда Денис энг кучли жиҳатларини намойиш этиб, устулиқни қўлга кирита олди. Учрашув 4:6, 4:6, 7:6 (7:4), 7:5, 6:2 ҳисобида ҳамюртимиз фойдасига ҳал бўлди.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Иккинчи баҳсда Фаррух Дўстов Хитойнинг биринчи ракеткачиси ҳисобланмиш Зе Жангга рўбарў келди. Баҳсда ҳамюртимиз 4:6, 7:6, 6:4, 3:6, 6:4 ҳисобида галаба қозониб, Дениснинг эришган муваффақиятини мустаҳкамлади. Мусобақанинг иккинчи кундаги учинчи учрашув тартибга кўра, жуфтликлар баҳсидан иборат бўлди. Унда теннисчиларимиз — Денис Истомин ва Фаррух Дўстов тандемга қарши хитойликлардан қортга Мао Син Гонг ва Же Ли жуфтлиги чиқди. Хитойликлар учрашувда биргаликда жуда яхши ҳаракат қилган Денис Истомин ва Фаррух Дўстов жуфтлигига етарлича қаршилик кўрсата олишмади. Учта сетнинг барчаси ҳамюртларимиз фойдасига ҳал бўлди: 6:3, 7:6, 6:3.

Денис Истомин ва Фаррух Дўстов сая-ҳаракатлари эвазига қўлга киритилган кетма-кет учта галаба натижасида Ўзбекистон терма жамоаси муддатидан аввал «Дэвис Кубоги»нинг кейинги босқичи йўлланмасини қўлга киритди. Шу сабаб, кейинги иккита баҳсда қортга ёш теннисчиларимиз чиқишди. Жумладан, тўртинчи учрашувда қортга АТР рейтингда 554-ўринни эгаллаб турган теннисчимиз Сарвар Икромов чиқди. Унга меҳмонлардан АТР рейтингда 58-ўринни эгаллаб турган Хитойнинг биринчи рақамли теннисчиси Зе Жанг рақиблик қилди. Айнан шу теннисчини Фаррух Дўстов иккинчи учрашувда қийинчилик билан мағлуб этганди. Ёш теннисчимиз ҳам номдор рақибга қарши баҳсини кўтаринки руҳда ўтказиб, уни икки сетда — 6:3, 7:5 ҳисобида мағлуб этди.

Сўнгги баҳсда хитойликлардан қортга мамлакатнинг иккинчи рақамли теннисчиси, биринчи баҳсда Денис Истомин билан тенгма-тенг кураш олиб борган Ди Вуч чиқди. Унга шу йил январь ойида 18 ўрин қаршилаган ёш теннисчимиз Темур Исмомил билан рақиблик қилди. Хитойлик теннисчи катта устулик билан икки сет натижасига кўра ғолиб келган бўлса-да, Темурга ушбу баҳс катта тажриба тўллаш имконини берди.

Шу тариха «Дэвис Кубоги»нинг Осиё ва Океания минтақаси биринчи гуруҳ доирасидаги вакилларимизнинг хитойлик теннисчиларга қарши кечган баҳслари якуний ҳисоб — 4:1 кўринишида Ўзбекистон фойдасига ҳал бўлди.

Жорий йил апрель ойида мамлакатимиз меҳмонлик қиладиган кейинги босқич баҳсларида теннисчиларимиз австралияликлар билан куч синашди. Вакилларимиз ушбу рақибдан муваффақиятли ўта олишса, «Дэвис Кубоги»нинг энг кучли 16 мамлакат терма жамоаси иштирок этадиган жаҳон гуруҳига чиқиш учун плей-офф босқичида иштирок этиш имонига эга бўлишди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

### МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

**Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд**

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- «Беларусь» (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к трактору «Беларусь»
- Шины различных моделей

маҳсулот сертификатланган  
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar\_uz@mail.ru www.toglar.uz

### ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА МАРҲАМАТ!

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ 2013-2014 ЎҚУВ ЙИЛИДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ТЕСТ СИНОВЛАРИ АСОСИДА КИРИШ УЧУН 2013 ЙИЛ 1 МАРТДАН БОШЛАНДИГАН 5 ОЙЛИК ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Тошкент давлат аграр университетининг пуллик тайёрлов курси тингловчиларни математика, физика, кимё, биология, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда чет тили фанлари бўйича тест синовлари топширишга тайёрлайди. Тингловчиларнинг ўқиши, овқатланиши, даволаниши ва дам олишлари учун барча шaroитлар мавжуд.

Ўқиш учун ойига 150 000 (бир юз эллик минг) сўм маблағ нақд ёки пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Ҳарбий хизматни ўтаб, йўлланма билан келган ёшлар ҳамда «Меҳрибонлик уйлари» битирувчилари текин ўқитилади ва давлат томонидан берилган барча имтиёزلардан

тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Тингловчиларнинг олган билимлари (ўзлаштирилари) ҳар ойнинг охирида тест синовлари ўтказиш йўли билан аниқланади. Тайёрлов курсини муваффақиятли тугатган тингловчилар «Давлат гранти» асосида ўқишга киришлари учун етарли билимга эга бўладилар.

Ўқиш 2013 йил 1 мартдан бошланади. Хужжатлар «Тайёрлов курси» ўқув биносининг 2-қават, 3-хонасида қабул қилинмоқда. Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

1. Ариза
2. 3x4 ўлчамли 2 дона фотосурат
3. Аттестат ёки паспорт нусخаси

**Мурожаат учун телефонлар:** 8 (371) 260-48-49. (+99894) 615-34-69.  
**Манзилимиз:** 6, 17, 19, 83, 96, 115, 129, 149, 491 автобусларнинг «Университет» бекати.

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТБИ НАЗАР, БАРЧА КУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

«Қишлоқ хаёти» рўзномасининг 2013 йил 1 февраль кунги 14 (8095)-сонида Норин-Қорадарё ИТХБ қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедицияси томонидан берилган эълондаги **Улуғнор туманидаги Вп.КЛ-1 коллекторни тизимли таъмирлаш ва тиклаш объектининг бошланғич нархи (ҚҚСси)** — 1 937 055 000 сўм **жумласи (ҚҚСси)** — 1 926 119 350 сўм деб ўқилсин.

### АГРОМАШ

**ИП ООО «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»**

**ОБЪЯВЛЯЕТ СКИДКИ НА СЛЕДУЮЩУЮ ТЕХНИКУ И ЗАПЧАСТИ:**

- ЗАПЧАСТИ К ТРАКТОРАМ ТЗ3-80, КОМБАЙНАМ ЕНИСЕЙ,
- ГУСЕНИЧНЫМ ТРАКТОРАМ Т-4, ДТ-75, ВТ-150 И Т.Д.
- 4-Х КОЛЕСНЫЕ МИНИ ТРАКТОРА ВТЗ-2048 И ТЗ0-69;
- ЗЕРНОУБОРОЧНЫЙ КОМБАЙН ЕНИСЕЙ-954 И МНОГОЕ ДРУГОЕ;

КОЛИЧЕСТВО ОГРАНИЧЕНО.  
ПО ВСЕМ ВОПРОСАМ ОБРАЩАЙТЕСЬ В ОФИС КОМПАНИИ ПО СЛЕДУЮЩИМ КОНТАКТАМ:  
Тошкент ш., Ниязбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00; Факс: +998 71 234 89 88;  
E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru

## «НОВОЙДОНМАХСУЛОТЛАРИ»

### АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ҚУЙДАГИ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ СОТИЛАДИ:

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР ХОМАШЁ БИРЖАСИ ОРҚАЛИ ҲАМДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ШАРТНОМА АСОСИДА

**МАКАРОН МАХСУЛОТИ**  
Корхонамизда макарон маҳсулотлари хорижий ускуналарда витамин-минерал аралашмаси билан бойитилган ун маҳсулотидан узун ва калта кесилган ҳолда ишлаб чиқаришмоқда.

Олий навли ундан тайёрланган макарон 1 тоннасининг нархи 1900000 сўм  
Биринчи навли ундан тайёрланган макарон 1600000 сўм

**ОМИХТА ЕМ**  
Омихта ем — Tsh 8-95:2012 давлат стандарти ва рецепт асосида чорвачилик ва паррандачилик учун ишлаб чиқариладиган омихта ем маҳсулотлари ташкил этади. Бизнинг корхонамизда сочма, бўлакалган ва гранула шаклларида рецептурага мувофиқ ишлаб чиқаришмоқда.

Товуқлар учун ишлаб чиқариладиган омихта ем маҳсулоти сочма

1 тоннасининг нархи: 493165 сўм

**Йирик ва майда шохли моллар учун тайёрланган омихта ем 1 тоннасининг нархи — сочма ҳолатида 354 901 сўмдан — қопланган ҳолатида 404 488 сўмдан**

**ПУЛ ҚУЧИРИШ ВА НАҚД ПУЛ БИЛАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МҲМКИН.**

Мурожаат учун телефонлар: факс (8436) 226-44-62, (8-436) 226-44-76.  
Манзилимиз: Навоий шаҳар Спутник қўрғони-3.

<p><b>Бош муҳаррир:</b> <b>Чори ЛАТИПОВ</b></p>	<p><b>МУАССИСЛАР:</b> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрно-тоқмақ комплекси тарихийда ҳамда шу тармоқда даядор вазирилик ва идоралар.</p>	<p><b>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</b> Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБОВЕВ, Абдиқабоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шероод ҲУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Маъсул котиб).</p>	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p>	<p><b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> Қабулхона — 236-58-83, Котибхона — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Манъавий ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-56-25, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.</p>	<p><b>Реклама ва эълонлар —</b> 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун бюртмачи жавобгар</p>	<p><b>Навбатчи муҳаррир:</b> Р.СУЯРОВ <b>Мусақош:</b> О.ОЧИЛОВ <b>Дизайнер:</b> М.БОБОМУХАММЕДОВА</p>
---	---	--	--	---	--	---